



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 3 ноябрь, № 228 (7186)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни халқ таълими тизимини янада ривожлантириш борасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Таълим-тарбия тизими-ни мутлақо янги босқичга кўтариш мақсадида жорий йил 5 сентябрь куни давлатимиз раҳбарининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, қатор қарорлари қабул қилинди.

Шу йил 1 сентябрдан мактабларда фаолият олиб бораётган 450 мингдан зиёд педагог ва раҳбар ходимларнинг маоши оширилди. Халқ таълими ходимларига уй, ер, маиший техника, қорва ва машина сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилди. Улар учун махсус давлат мукофоти таъсис қилинди. Ўқитувчиларни бошқа ишларга жалб этиш, мактабларда асоссиз текширувлар ўтказиш амалиётига чек қўйилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида халқ таълими тизими жорий йилда 16 минг нафар олий маълумотли ёш кадр билан тўлдирилди. Қарийб 13 минг нафар эркак ўқитувчилар мактабларга қайтди.

Президентимиз соҳа олдида яна кўплаб вазифалар тургани, дарсликлар таъминоти, таълим дастурлари сифати, ўқитувчилар билим ва малакасини ошириш, кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш, чет тилларни ўқиш имкониятини кенгайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

Халқ таълими тизимида ўқув жараёнини автоматлаштириш, ўқувчиларни мактабга қабул қилиш ва кўчириш хизматларини электрон шаклга ўтказиш, давлат-хусусий шериклик

асосида хусусий мактаблар ташкил этиш сушт бораётгани қайд этилди. Йиғилишда шу йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, айна пайтда мактаб ўқитувчиларининг билими ва малакаси талабга жавоб бермайдиган. Тизимдаги 422 мингдан ортиқ педагогларнинг 65 минг нафари ўрта махсус маълумотли. Атиги 11 минг нафар ўқитувчи олий тоифали.

Айни пайтда 3 мингдан ортиқ педагог кадрларга реал эҳтиёж мавжуд. Жумладан, инглиз тили, рус тили ва адабиёти, бошланғич синф, информатика, математика фанлари ўқитувчилари етишмайди.

Шунинг учун Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига вакант лавозимларга педагогларни жалб қилиш, чекка ҳудудларга бориб ишлайдиган ўқитувчиларни рағбатлантириш ва малакасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўқув-методик ва дарсликлар сифатини ошириш ҳам долзарб масалалардан. Ўқув йили бошланганида 2 ой тўлган бўлса-да, 3, 5, 8-синф ўқувчилари учун 33 мингдан зиёд дарсликлар етишмайди. Дарсликларда хатоликлар қўллиги ҳам ачинарлидир. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда мактаблар биноси, уларнинг моддий-техника базаси ҳолатига ҳам эътибор қаратилди.



ПОЙТАХТНИНГ МЕТРО ҲАЛҚАСИ



Бунёдкорлик

Бундан қирқ бир йил муқаддам пойтахтимизда янги транспорт воситаси — метрополитен ишга туширилган эди. Ўтган вақт мобайнида у нафақат юртимиз фуқаролари, балки меҳмонларга ҳам тезкор транспорт сифатида хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг учта ҳудудида ер ости ва ер усти метро қурилиши ишлари қизғин олиб борилмоқда. Темир йўлчи кўприксозлар томонидан бунёд этилаётган, узунлиги 7,1 километрга тенг бўлган Сергели линииси 2020 йилга қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Айни кунда лойиҳанинг дастлабки босқичида Тошкент метрополитенининг “Дўстлик” бекатидан “Қўйлик” бозоригача бўлган 7 та бекатдан иборат қисми қурилмоқда.



Владимир НОРОВ:

«ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ХОРИЖДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА»

Нуқтаи назар

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси томонидан “Терроризмга қарши кураш — чегара билмас ҳамкорлик” мавзусида олтинчи халқаро конференция ўтказилди. Унда ШХТга аъзо, қузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатлар делегациялари, БМТ, ЕХХТ, МДХ каби халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари вакиллари иштирок этди. Анжуманда чиқиш қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Владимир НОРОВ мамлакатимизда ёшларнинг радикаллашувига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапириб берди.



— Сўнгги йилларда дунёда кескин ўзгараётган вазият, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, замонавий таҳдидлар ва хатарларнинг кескинлашуви хавфсизликни таъминлаш масаласини

янада долзарблаштиряпти. Бинобарин, бугунги кунда радикализм, экстремизм ва терроризм хавфи мисол кўрилмаган, глобал миқёсда кескинлашмоқда. Улар ижтимоий-иқтисодий та-

раққиёт даражаси, маданий-конфессиявий мансублигидан қатъи назар, барча жамият ва мамлакатларга кириб бораётир.



РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУХОРОДА

Россия Либерал-демократик партияси раиси Владимир Жириновский бошчилигидаги делегация 2 ноябрь куни Бухорога келди.

Россия Федерацияси Давлат думаси федерал мажлиси депутатларидан иборат меҳмонларни Бухоро халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбасари С. Сафоев, Бухоро вилояти ҳокими Ў. Барноев ва жамоатчилик вакиллари кутиб олди.

Ўзбекистон ва Россия парламентлари вакиллари ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик таъминлаш борасида олиб борилмоқда. Бундан ташқари, мулоқотда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Меҳмонларга Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди.

Владимир Жириновский Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни юқори баҳолади. Миллий ўзликни асраш, илм-фан ва инновация соҳасини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бераётганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Хар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти, энг аввало, унинг оғзаки ижоди — фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам толган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади.

Ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбидида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғулари кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро бахшичилик санъати фестивалини (кейинги ўринларда Фестиваль деб юритилади) ташкил этиш ҳамда ушбу фестивални биринчи марта 2019 йилнинг 5 — 10 апрель кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида низом ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини 2019 йилда ўтказиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ташкилий қўмитага (А. Арипов):

Фестивални ўтказиш бўйича белгиланган вазибаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш; Фестиваль совриндорларига топширилаётган диплом, сертификати, ҳайкалчалар намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш ишлар боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш вазибалари юклансин.

4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: Фестивалга хорижий давлатлардан таниқли фольклоршунос олимлар, бахши, шоир, оқин ва жировлар, ижодий жамоалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фахрий меҳмонларни таклиф этишда Маданият вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

Фестивалга таширф буюрувчи меҳмонлар учун Маданият вазирлигининг буюртманомаларига биноан, Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консулик ва бошқа йғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Маданият вазирлиги Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадий ҳижатдан бетақорор усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, балетмейстерлар, сахна россомлари, истевдодли ёш санъаткорларни кенг жалб этсин.

7. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Термиз шаҳрида обodonлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган сахна майдонлари ва заллар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

8. Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмаси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Термиз шаҳридаги “Сурхондарё санъат саройи” давлат муассасаси майдони ҳудудида бахшичилик санъатига оид турли кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқилиши ва унинг Фестиваль ўтказилишидан уч ой аввал туризм ташкилотларига тақдим этилишини, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль веб-сайтини бир ой муддатда тайёрлаб, Интернет тармоғига жойлаштирилишини ҳамда мунтазам равишда янгиликлар, фотосуратлар, аудио ва видео материаллар билан янгилаб борилишини таъминласин.

9. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратиш чораларини кўрсин.

10. Белгиланган кўйилсинки, Фестивални тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда ҳамда ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 1 ноябрь



Аэропортдан «Tashkent City»гача

Самолётда Тошкент халқаро аэропортига қўнган йўловчилар терминалдан платформага ўтиб, ўша ердаги қулай осма вагонга чиқишади. Эшиклар ёпилади ва у ер устида ҳаракатланишни бошлайди.

Ойналардан пойтахтимизнинг бетақорор манзараларини томоша қилиш мумкин. Бироқ бундай ёқимли сафар узок давом этмайди: йўловчилар ўн дақиқа ўтар-ўтмас, бир нечта бекатлардан сўнг “Tashkent City” яқинидаги “Халқлар дўстлиги” метросида жойлашган сўнгги манзилга етиб келишади.

— Ҳозирча бундай қулайликни йўлга қўйиш фақат режамизда мавжуд, —

ОСМА ВАГОНДА БОРИШ ЛОЙИҲАСИ. У ҲАҚДА НИМАЛАР МАЪЛУМ?



Инновация

дейди самимий табассум билан Москванинг “РТО” МЧЖ бош директори Иван Филяев. — Биз ана шундай гоғлар билан Ўзбекистон ва Россия ўртасида илк бор ўтказилган ҳудудлараро ҳамкорлик форумига ташриф буюрдик. Шу асосда Тошкентда “Стрела” ер усти транспорт тизимини (ЕТТ) яратишни таклиф этдик.



«РТО» МЧЖ томонидан тақдим этилган сурат.

Вагоннинг
йўловчи сигими

65 киши

Йўловчилар
оқими соатига

10 минг

Таркиб узунлиги
юкланишдан келиб
чиққан ҳолда
автоматик тарзда
тартибга солинади

2-4 та
ВАГОН

Таркиб
тезлиги

50 км/соат



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

1 Мактабларда 11 йиллик тизимга ўтилгач, ўқувчилар сони 1 миллионга ортган. Бугунги кунда 138 та мактаб филиали ўз биносига эга эмас, 55 та филиалда ўқувчилар сони меъёридан юқори. Инвестиция дастури доирасида 35 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини тезроқ якунлаш керак. 5 мингдан зиёд физика, кимё ва биология ўқув-лаборатория жиҳозлари, 43 минг тўплам ўқув мебелари.

Президентимиз белгиланган мактаблардаги қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш, марказлашган инвестиция маблағлари ҳисобидан уларни жиҳозлаш кераклигини таъкидлади.

Худудлар талабидан келиб чиқиб, лицей ва коллежларнинг бўшаган биносини жорий йил охирига қадар Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиш, 2019 йил 1 январгача жойлардаги мактаб филиалларини асосий мактабга айлантириш, мактаб автобуслари билан тизимли таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.


Йиғилишда мактабларда билим бериш ва ўзлаштириш даражаси бугунги замон талабларига мос эмаслиги танқид қилинди. 10, 11-синф ўқувчиларини касб-хунарага ўргатиш мақсадида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш ишлари қониқарсиз экани кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимиз бўйича синфлар-



Юртимиз маданий-маърифий ҳаётидаги қайси жиҳатлар ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган?

Ўзбекистон халқро муносабатларда ўзаро ишонч, икки томонлама манфаатдорлик тамойилларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шу асосда мамлакатимизнинг қатор нуфузли халқро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб борапти. Ана шундай тузилмалардан бири — БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳисобланади.



РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУХОРОДА

1 Мулоқотда парламентлараро муносабатларни ривожлантириш барча соҳада изчил ютуқларга эришиш, мамлакатларимизнинг манфаатли алоқаларини янада тараққий эттириш имконини бериши таъкидланди.

— Ўзбекистон ва Россия иқтисодиёт, туризм, таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришда улкан имкониятларга эга, — деди В. Жириновский. — Бунинг учун ўзаро мулоқотларни кенгайтириш, тадбиркорлик фаолияти йўлида зарур шароитларни яратиш керак. Бу борадаги мақсадларга эришишда турли вазирлик ва идоралар, хусусан, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

2500 йиллик тарихга эга Бухоро заминида яшаётган турли миллат ҳамда элат вакилларининг дўстлиги маданий ва маънавий анъаналарга асосланган, Марказий Осиё халқлари қадимий меросидан руҳий қувват олган.

Куннинг иккинчи ярмида Россия делегацияси Бухорода бўнбд этилган маданий мерос объектлари, диққатга сазовор жойларни томоша қилди.

Мехмонлар Бухоро яхудиylари синагогасида бўлиб, юртимизда барча дин ҳамда миллат вакиллари учун яратилган эркинлик ва шароитлар билан танишди.

Бухоронинг тарихий қисмидаги меъморий бидалар, миллий хунармандлик мактаблари фаолияти делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Ўлубек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА махсус мухбири.

КИМЁ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Мамлакатнинг барқарор иқтисодий юксалишида кимё саноатининг ўрни бекиёс. Чунки бу соҳа — саноатнинг катализатори. Ҳар қандай ишлаб чиқариш негизига кимёвий жараёнлар кечилиши инобатга олсак, ушбу тизимсиз иқтисодиётда тараққийёт бўлмайди, десак, муболаға эмас.

Депутат фикри

Юртимизда амалга ошири-лаётган кенг қўламли ислохотлар кимё саноатида ҳам ижобий на-тижалар бермоқда. Бироқ соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам борки, бундан куз оими бўлмайди. Хусусан, тармоқни яна-да ривожлантириш ва диверсификация қилиш, кимё маҳсулот-лари ишлаб чиқарадиган қувват-ларни модернизациялаш ва ян-гиларини қуриш учун инвестиция-ларни жалб этиш, экспорт ҳаж-мини кенгайтиришга тўқсунлик қилаётган муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жо-рий йил 25 октябрдаги “Ўзбеки-стон Республикасида кимё саноа-тини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тизимда учраётган ана шундай камчиликларни бартараф этиш-га йўналтирилгани билан аҳами-ятлидир.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, кимё саноати корхоналарининг устав капиталлида давлат ишти-ркини қисқартириш, тармоққа

фосфор ва калийли минерал ўғит-лар ҳам мавжуд талабнинг фақат учдан бирини қоплайди холос.

Шуни алоҳида қайд этиш ке-ракки, 2020 йилдан бошлаб “Ўқимёсаноат” АЖ таркибига ки-рувчи акциядорлик жамиятлари томонидан йиллик молиявий ҳисоботларни эълон қилиш ва уларни Халқро аудит стандарт-лари ҳамда Халқро молиявий ҳисоботлар стандартларига муво-фиқлиги юзасидан ташқи аудит-дан ўтказиш тартиби жорий эти-лади. Бу, албатта, соҳанинг ис-тиқболига ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги-ни оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда табиий газнинг атиги 14 фоизи, жумладан, кимё тармоғида 5 фоизи чуқур қайта ишланмоқда. Кремний, каолин ва гипс ҳам ашёсидан кимёвий ма-ҳсулотлар ишлаб чиқариш эти-бордан четда қолмоқда. Маълу-мотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқарилаётган нўғит маҳсулот-лар, асосан, полиэтилен, поли-пропилен, полистиролга хорижий давлатлардаги этиёжнинг молия-вий қиймати 100 миллиард дол-лардан ошади. Бу эса биз учун яхши имкониятидир.

Хулоса ўрнида айтганда, маз-кур ҳужжат республикамизда кимё маҳсулотлари ишлаб чи-қариши ривожлантириш баробари-да, юртимиз молиявий барқарор-лигини таъминлаш имконини беради.

Қаҳрамон ЭРҲАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Владимир НОРОВ: «ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ХОРИЖДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА»

1 Мазкур тенденцияларнинг салбий оқибатлари ШХТ минтақаси барқарорлиги ва ривожланишига ҳам таъсир кўрсатяпти.

Замонавий таҳдидлар ва хатарларга қарши кураш самарадорли-гини ошириш жаҳон ҳамжамияти-дан яқин мулоқот ҳамда ўзаро ало-қаларни йўлга қўйиш, хавфсизлик-ни таъминлаш бўйича умумий ёнда-шувларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Айниқса, ёшлар орасида унинг оқибатларига эмас, балки пайдо бўлиш сабабларига қарши кураш асосий вазифа ҳисоблана-ди. Шундай экан, ёшларни экстре-мистик ғоялар тўғрисида тушиб қо-лишдан асрашимиз керак.

Айтиш лозимки, ҳозирги кунда дунё бўйича ёшлар инсоният тари-ҳида қўлғили бўйича бузғунчи қу-чларнинг асосий кураш объектига айланган энг катта авлоддир. На-вқирон авлод сони 2 миллиард на-фарни ташкил этияпти. Халқро экс-пертлар маълумотларига кўра, 300 мингга яқин 18 ёшга етмаган ўғил-қизлар жаҳондаги диний-экстре-мистик гуруҳлар таркибидан жой олган. Шу боис бугун ёшларнинг радикаллашуви энг хавфли ва ўткир муаммо бўлиб турибди. Ушбу ҳолат дунёнинг қўллаб-давлатларида ик-тимий, маданий ва ахлоқий маса-лалар мажмуи ўз ечимини кутаёт-ган бир шароитда юзга келаётир. Қолаверса, глобаллашув шароити-да маданий-цивилизациявий ман-сублик муаммолари кучаймоқда. Мутахассисларнинг фикрича, жами-ятда шахс мақоми ва талабчанлик тўғриси етишмовчилиги ёки умуман йўқлиги ёшлар ўртасида радикал қайфият қучайишининг асосий са-бабига айланмоқда.

Бузғунчи гуруҳлар эса “йўқотил-

ган” ёш авлод учун ўзгаришлар “агентлари”, “истикболли” имкони-ятлар ҳамда аниқ бир мақсадга эришиш усулига айланишга уриняпти. Бу йўлда диний, мафку-равий ва миллий воситалардан фойдаланмоқда.

Телекоммуникация технолгия-лари ривожланиши ва интернет тармоғи аудиториясининг ортиши эса нафақат халқро террорчилик ташкилотлари ҳамда экстремистик оқимларга ўз мафкурасини ёйиш учун деярли чексиз имкониятлар, балки аҳоли ўзини ўзи радикаллаш-тириши, янги аъзоларни ёллаш учун шароитлар яратмоқда. Глобал тар-моқ экстремистик ва террорчилик ташкилотларига чегараларни кесиб ўтиш, вақт ҳамда маконни ортда қолдириш имконини бераётир.

Шундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, терроризм ва экстремизм тарғиботига қарши кураш ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилма-


Мирзиёев 2017 йил июнь ойида Остонада бўлиб ўтган Шанхай ҳам-корлик ташкилоти саммитида чи-қиш қилар экан, ШХТ МАТТ Фао-лиятлидаги самарали натижаларни инобатга олиб, унинг таъсис ҳуж-жатларига зарур ўзгаришларни қиратиши тақлиф этди. Киберма-конда вужудга келадиган таҳдид-ларни мониторинг қилиш ва улар-га қарши курашишни ташкил этиш бўйича ваколатларни тақсимлаш шулар жумласидандир. Давлат раҳ-барининг мазкур ташаббуси ШХТ-га аъзо барча мамлакатлар томо-нидан қўллаб-қувватланди ва жо-рий йил июнь ойида Циндаода бўлиб ўтган ШХТ саммитида қабул қилинган Декларацияда ўз ифода-сини топди.

БМТ маълумотларига кўра, “Твиттер”да “Ислон давлати” (ИД) террорчилик гуруҳини қўллаб-қув-ватловчи 50 мингга яқин аккаунт-лар мавжуд экан. Ўз навбатида,

ҳолда уларни амалга оширишга ин-тиладиган қисми деган хулосага ке-лишди. Бу уларнинг ижтимоий ҳу-сусиятлари, атрофдаги вазиятни қабул қилиш сезгирлиги билан бог-лиқдир.

Ўзбекистонда юқорида санаб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда терроризм ва экстремизмга қарши курашга бўлган ёндашувлар концептуал жиҳатдан қайта қуриб қилинди. Шунинг учун, энг аввало, ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданият, диний-ахлоқий маърифатни юксал-тириш йўли билан “ақл учун кураш”-га алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ижтимоий реабилитация, экстре-мистик ғоялар таъсирига тушиб қолган ва ўз хатосини англаганлар-ни нормал ҳаётга қайтариш бўйи-ча тизимли ишлар олиб борила-пти. Айни чоғда одамлар, айниқса, ёш авлод ўртасида исломнинг асл қадриятларини ёйиш, уларнинг он-гига анъанавий ислом маданияти ҳамда тафаккурини сингдириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда, ал-батта, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёш авлод ташкил этиши инобатга олинган. Шунга уйғун тарзда давлатнинг стратегик ресур-си саналадиган ёш фуқароларга нисбатан ижтимоий сиебат ишлаб чиқилиб, рўёбга чиқарилаётир. Ке-линг, уларнинг муайян йўналишлар-ига тўхталиб ўтаск.

Биринчидан, Ўзбекистонда ёшлар сиебатини амалга ошириш-да ҳокимиятнинг барча бўғини фаол иштирок этмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар масалалари бўйича комис-сия тузилди ва фаолият юритмок-да. Ижро тизимига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиебати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар



си фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади. Бу борадаги ишлар кучайтирилмоқда. Хусусан, 2016-2017 йилларда ахборот хавфсиз-лиги линияси бўйича олиб бори-лган чора-тадбирлар натижасида террорчилик ва экстремистик ха-ракатдаги 4 миллиондан зиёд ах-борот материалларидан ташкил топган 100 мингга интернет-ресурс тармоқдан ўчириб ташланган ёки фаолиятига тўсик қўйилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат

Халқ сўзи

ЮНЕСКОга 1945 йил 16 ноябрда асос солинган бўлиб, унинг Низоми 1946 йилнинг 4 ноябридан расман қучга кирган. Бош қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган ташкилот таълим, фан, маданият, ахборот соҳаларини ривожлантириш, халқлар ўртасидаги маданий ҳамда маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали дунёда осийишталикни қарор топтиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда ЮНЕСКОга икки юзга яқин давлатлар аъзо. Шунинг ўзиёқ унинг жаҳондаги обрў-эътибори, нуфузи нақадар юксак эканлигини ифодалайди.

Халқро мақом санъати анжумани таш-кил этилди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган тегишли қарорга мувофиқ, Ўзбеки-стон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузу-ридаги доимий ваколатхонаси таъсис этилди. Яқинда Самарқанд “Ипак йўли” туризм халқро университетида ЮНЕСКО кафедраси тузилди.

Яна бир янгилик. Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги 2018 — 2021 йил-ларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу ҳужжат муно-сабатларни янги босқичга қўтариш, то-монлар олдида турган вазифаларни бир-галликда инновациялар орқали ҳал этиш ва барча йўналишда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

қандда Имом Бухорий номидаги халқро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислон цивилизацияси маркази очилди.

Шиори “Жаҳоллатга қарши маъ-рифат” бўлган мазкур даргоҳлар-нинг фаолияти ёшларга ислом ди-нининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларни буюк аллома-ларимиз ҳамда олимлар қолдирган бой маънавий мерос билан таниш-тиришга қаратилгандир.

Умуман, республикада бу бора-да олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 30 ёшгача бўлган шахс-лар ўртасида терроризм билан боглиқ қайд этилган жиноятлар сони 2018 йилнинг дастлабки олти ойида 2017 йилнинг шу даврида-гида нисбатан 65,7 фоиз камайган. Шунинг учун экстремизм ва тер-роризм таҳдидларига қарши кураш бўйича Ўзбекистон таърибаси қўллаб-қувватлаш мажмуи аъзо-ларини ёшларга қарши кураш бўйича ҳимояси билан шуғулланади. Бун-дан ташқари, ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғини раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масала-лари бўйича маслаҳатчилари лаво-зимий жорий қилинди.

Иккинчидан, 2018 йил июнь ойи-да “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилин-ди. Унда “экстремизм”, “экстремис-тик фаолият”, “экстремистик таш-килот” каби асосий тушунчаларга аниқ изоҳ берилган. Тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳуқуқий тарбия ва таълимини ташкил этиш, экстремизмга қарши курашиш ма-салалари бўйича ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш, маданий анъаналарни, маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик руҳи-

БЮДЖЕТ маълумотларининг очиқлиги таъминланади

Жорий йилнинг 30 октябрь куни Президентимиз бошчилигида Давлат бюджетининг қўйилган ижроси, 2019 йилга мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ сисъатининг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 2018 йил бюджет параметрлари ижроси атрофлича таҳлил қилиниб, келгуси йил бюджети тўғрисида тегишли вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар берилди.

2018 йил учун Давлат бюджети даромадлари 62,2 триллион сўм, харажатлари 62,1 триллион сўм қилиб белгиланган эди. Амалда жорий йил якуни бўйича даромадлар 74,5 триллион, харажатлар эса 78,5 триллион сўм бўлиши қўйилмоқда. Бу кўрсаткич 2018 йилга белгиланган даромадлар 12,3 триллион сўмга, харажатлар 16,3 триллион сўмга ортганини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади — аҳоли қатламларининг ижтимоий ҳолатини яхшилаш орқали ҳамюртларимиз турмуш даражасини халқаро стандартлар даражасига етказишдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йил учун Давлат бюджети харажатлари мамлакат ялли ички маҳсулотининг қарийб 22 фоизига тенг микдорда режалаштирилган бўлиб, ушбу маблагнинг 55,8 фоизи ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга мўлжалланган. Агар аввалги йиллар билан солиштирилса, бу йил ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган маблаглар биргина 2017 йилдагига нисбатан 27,8 фоиз кўпдир.

Энди ижтимоий йўналтирилган маблагларни таҳлил қиладиган бўлсак, унинг қарийб 35 фоизи соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу микдор ўтган йилдагига нисбатан 31 фоиз ортиқ. Йил давомида фақат “Тез ёрдам” пунктлари ва касалхоналарнинг биринчи даражали зарур доридармонлар билан таъминлаш учун 915 миллиард сўм, яъни 2017 йилдагига нисбатан 2,5 баробар кўп маблаг сарфланмоқда. Шунингдек, 600 та “Тез ёрдам” станцияси,

270 та касалхона, 793 та қишлоқ врачлик пункти реконструкция ёки капитал таъмир қилиниб, 22 та тиббиёт муассасаси бутунлай янгидан қурилмоқда.

Кейинги йилларда тиббиётга жорий этилаётган илгор инновацион ишланмалар соҳанинг моддий-техника базасини тубдан модернизациялаш талаб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, энг чекка қишлоқ врачлик пунктлари ҳам замонавий тиббий техникалар билан жиҳоз-

Сенатор мушоҳадаси

ланяпти. Мазкур йўналишда хусусий бизнес вакиллари ёки инвестиция маблагларидан ташқари, фақат Давлат бюджетининг ўзидан 100 миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланаётир. Бироқ ушбу илгор тиббиёт муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш мутлақо янги, замонавий билимларга эга бўлган тиббиёт кадрларини тайёрлашни тақозо этади.

Шу сабабли 2018 йилда тиббиётда меҳнат қилаётган мутахассислар сонини 8 фоизга ошириш кўзда тутилган эди, 2019 йил бюджетда ҳам соғлиқни сақлаш соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат бюджети харажатларида таълим соҳасини молиялаштириш микдори ижтимоий соҳага йўналтирилган маблагларнинг қарийб 32 фоизини ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан 23 фоиз ўсган. Йил бошидан буён 400 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга деярли 600 миллиард сўм сарфланганга қарамастан, мамлакатимиз-

да болаларни мазкур муассасаларга қамраб олиш даражаси 30 фоиздан 35 фоизга кўтарилди холос. Ушбу вазият соҳада ҳали жуда кўп амалий ишлар қилиниши лозимлигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда кейинги йил бюджетда ҳам мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга салмоқли маблаг ажратилиши мўлжалланган.

2018 йилда ўқитувчилар, тарбиячилар, фан ва маданият ходимларининг маошлари оширилди, шу

билан бира, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Yoshlar — kelajagimiz” дастурлари, кам таъминланган, уй-жойга муҳтож, иш қобилиятини йўқотган, ногиронлиги бўлган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида арзон уй-жойлар қуриш ва шу каби ижтимоий тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши бюджет маблагларидан ўтган йилдагига нисбатан қўшимча равишда 29 триллион сўм сарфлашни талаб этди. Натжидада аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатлами, ногиронлиги бўлган шахслар моддий қўллаб-қувватланиб, уларнинг турмуш даражаси яхшиланишга эришиляпти.

Манзилли ижтимоий ҳимоя амалиётини келгуси йилда ҳам давом эттириш кўзда тутилган. Тиббиёт ходимларининг маошлари босқичма-босқич 26,5 фоиз, фан ва таълим муассасалари ходимларининг маошлари қарийб 1,5 баробар оширилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, келгуси йилда сув танқислигининг олдини олиш мақсадида суғориш иншоотларини модернизациялаш учун қўшимча

3 триллион сўм, капитал қўйилмаларга 12 триллион сўм сарфланиши назарда тутилаётир. Аммо бир пайтнинг ўзида, келгуси йилдан солиқ юқининг камайитирилиши, айрим солиқ турларининг бекор қилиниши натижасида Давлат бюджетига тушумлар 9,4 триллион сўмга камайиши қўйилмоқда.

Кўриниб турибдики, режалаштирилаётган харажатларни амалга ошириш Давлат бюджети даромадлари қисминини янги манбалар ҳамда солиқ тўлаш маданиятини ошириш ҳисобига тўлдиришни талаб этади.

Президентимизнинг “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросидан келиб чиқиб, мамлакатимиз бюджетининг ҳар бир фуқаро учун очиқлиги, барча солиқ тўловчиларнинг бюджет шаклланиши ва ишлатилиши жараёнида фаол қатнашишларини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Биз, сенаторларнинг ҳам Давлат бюджетиде назарда тутилган ҳар бир тадбирни халқимизга тушултириш ва тарғиб қилишда фаоллик кўрсатишимиз бюджет маълумотларининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, давлатнинг энг асосий ҳисоб-китоб дастуридан ҳамма бирдек хабардор бўлиши жойларда унинг ижроси самарали таъминланишига ёрдам беради.

Мухамед ЖУМАГАЛДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
масалалари қўмитаси раиси.

ПОЙТАХТНИНГ МЕТРО ҲАЛҚАСИ



Мазкур ер усти метроси 2019 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Кейинчалик, метро линияси “Олмазор”, “Беруний”, “Бодомзор” ҳамда “Тузель” бекатлари орқали яна “Дўстлик” бекатига туташтирилиб, ахлит метро ҳалқаси юзага келади.

Навбатдаги метро қурилиши Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида амалга ошириляпти. Янги ер ости йўлининг узунлиги 2,93 километрга тенг бўлиб, Юнусобод метро йўлининг иккинчи босқичи ҳисобланади. У 2019 йилда фойдаланишга топширилади. Ушбу бунёдкорлик ишлари якунига етгач, Юнусобод метро

замонавий бурғилаш техникаси келтирилди. Германиялик ва маҳаллий мутахассислар иштирокида мазкур комплекс тўлиқ монтаж қилиниб, ер остида бурғилаш тадбирлари олиб боришмоқда. Иш икки сменада ташкил этилган, линияда жами 200 нафарга яқин мутахассис ва ишчилар меҳнат қилмоқда.

Президентимиз ақинда Юнусобод туманига ташрифи давомида ушбу мажмуани ҳам кўздан кечириб, мутасаддиларга метро бекатларининг қўрилиши ва инфратузилмаси бўйича тавсиялар берди. Бу эса жамоага янада куч ва ғайрат бағишлади.

— Янги техника билан ҳар ойда 300 метрдан зиёд бурғилаш ишларини амалга ошириш мумкин, — дейди мазкур замонавий бурғилаш техникаси мутахассиси Отабек Алимов. — Илгор техника билан амалга ошириладиган юмушларда ҳар сменада 30 нафарга яқин ишчилар фаолият олиб боради. Мутахассисларимиз Германияда ушбу йўналишда малака ошириб келишди. Бугунги кунга 200 метрдан зиёд масофада очиқ усулда қурилиш ишлари олиб борилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур техника билан бурғилашдан ташқари, ер ости йўлида тўбингларнинг монтаж қилиш ҳам бажарилади.

Мирзо МУРОТОВ.

«Ер ости саройи»нинг бетакрор гўзаллиги «National Geographic» нигоҳида

Жаҳонга машҳур “National Geographic” журнали мухбири Луцио де Стефани ўз мақоласида Тошкентдаги “ер ости саройи” — метрополитенда бўлиб, унинг бетакрор гўзаллигидан ҳайратга тушгани ҳақида баён қилган.



Таассурот

Журналистнинг фикрича, пойтахтимиз метросини қўриш учун минглаб километр масофа босиб, Ўзбекистонга келишга арзийди. “Тошкентга келинг ва ер остига “яширилган” гўзалликдан баҳраманд бўлинг, — дея ўқувчиларга мурожаат қилади шарҳловчи. — Марказий Осиёда биринчи бўлиб бун-

ва айланма чизиклар, мафтункор тўқ кўк ҳамда зумрадранг “оҳанг”лар ўзгача манзара яратган. Ҳар бир бекат такрорланмас услубга эга. Маҳаллий рассомлар томонидан шиша, сопол, пластик, мрамар, металл ва алебастрдан яратилган безаклар кўзни қувонтиради”.

Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиш Тошкент доим сайёҳлар эътиборини торттиб келган. Ушбу мегаполис орқали Фарб ва Шарқ ўртасида савдо-сотик ва маданий алоқалар ривожланган. Ҳатто 1966 йилда содир бўлган зилзила ҳам шаҳарнинг темир иродасини бука олмади, у қисқа муддатда тикланиб, янада гўзаллашди.

“Президент Шавкат Мирзиёев ниҳоятда муҳим ислохотларни бошлади. Мамлакат ташқи дунёга очилмоқда. Халқаро ҳамжамият республиканинг шонли тарихи, бетакрор маданияти ва меъморий гўзаллигини қўриши ҳамда ундан баҳраманд бўлиши лозим. Ўзбекистон раҳбарияти ту-



ёд этилган метро декорациялар, устунлар ва ёрқин нур таратиб турган йўллардан иборат. Улар ҳар қандай кишини ҳайратда қолдиришга қодир санъат дурдоналаридир”.

Мақолада айтилишича, яқин-яқингача ер остида суратга ва видеога олиш тақиқланган эди. Бу эса пойтахт меҳмонлари учун қўллаб-қўллашчиликлар тўғрисида. Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси билан ушбу тақиқ олиб ташланди. Энди Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари нафақат метрополитен чиройини қўриши ва завқланиши, балки ушбу санъат намуналарини ўз видеокамераларига муҳрлаб, уларни бошқалар билан ўртоқлашишлари мумкин.

Ана шу имконият туфайли бугун ижтимоий тармоқларда “ер ости саройи”нинг қўллаб суратлари жойлаштирилмоқда. Бу метронинг оммалашуви ва пировардига республикага сайёҳлар оқими ортишига хизмат қилляпти. “Замонавий меъморчилик услублари шарҳона аънаналар асосида ишланган нақшлар билан уйғунлашиб кетган, — дейилади “National Geographic” да. — Бурчаксимон шакллар, ўткир

Аэропортдан «Tashkent City»гача ОСМА ВАГОНДА БОРИШ ЛОЙИҲАСИ. У ҲАҚДА НИМАЛАР МАЪЛУМ?



Рус техника уюшмаси мутахассислари томонидан тайёрланган жамоат транспортининг мазкур янгича қўриниши ишланмаси аэропортлар ва шаҳар атрофларини шаҳар транспорт инфратузилмаси билан боғлашни назарда тутди. Бинобарин, йўловчиларни, айниқса, тигиз йўналишларда ўз вақтида манзилларига етказиб қўйиш жараёниларини енгиллаштиради. “Стрела” ЕТТ учун йўллардаги тирбандликларнинг таъсири йўқ. Сабаби у бундай ҳудудларнинг устидан ўтади. Демак, у йўл ҳаракатига, йўл ҳаракати унга ҳалақит бермайди.

“Стрела”нинг бошқа афзалликлари ҳам бор. У экологик жиҳатдан тоза, шовқин чиқармайди, шаҳарнинг зич жойлашган иморатлари ансамблига уйғунлашиб кета олади. Ушбу механизм машинистсиз, яъни автоматик тарзда бошқарилади.

Уни барпо этиш учун трассадаги объектлар, жумладан, тураржойларни бузиш шарт эмас. Фақатгина таянчлар тагида ихчам участка бўлса қифоя. Экспертларнинг фикрича, бу тизим самарадорлиги, хавфсизлиги ва инвестициявий жозибадорлиги жиҳатидан жаҳонда мавжуд мўқобиллари ҳамда бошқа транспорт ечимларидан афзал ҳисобланади.

...Ўзбекистон пойтахти транспорт инфратузилмаси билан танишган россиялик мутахассислар аэропортдан айна пайтда барпо этилаётган “Tashkent

City”гача бўлган йўналишни танлашди. Ўртадаги масофа олти километрга тенг.

— Бизнинг тизим шаҳар ичида шаҳар бунёд этишдек улкан лойиҳани амалга оширишда қўллашган диган инновацион ечимларга тўлиқ мос келади, —



дея таъкидлайди Иван Филиев. — Айни чоғда ер усти транспорт тизими ўзига хос имидж яратиш хусусиятига ҳам эга. Ваҳолонки, бундай техникаларни яқин-яқинларгача фақатгина келажак ҳақидаги фильмларда кўриш мумкин эди. Энди эса бу реал ҳаётга кўчмоқда. Жумладан, Москва областининг Красногорск туманида ана шундай лойиҳани амалиётга жорий этмокчимиз. Жорий йил охиригача инфратузилма объектлари ҳамда диспетчерлик бошқаруви марказига эга мазкур тизим сертификатлаш жараёни-

дан ўтказилади. Барча келишувлардан сўнг умумий узунлиги 8,3 километрга тенг трасса қурилиши бошланади. У якунлангач, “Стрела” узоқ туманларни Москвадаги йирик транспорт тармоқлари билан боғлайди.

Таъкидлаш лозимки, бундай “ноу-хау”ни бунёд қилиш учун кўп вақт кетмайди. Масалан, унинг линиялари заводдан тайёр ҳолда чиқади. Жойларда фақат йиғиш ва монтаж ишлари бажарилади. Йўл ҳаракатини тўсмаган ҳолда, тунлари ишлаш мумкин. Яъни ҳайдовчилар учун ҳам, пиёдалар учун ҳам деярли ноқулайликлар тўғдирмайди. Бир

вожланиш вазирлиги ва “РТО” МЧЖ ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Вазирлик кенг миқёсда ҳамкорлик қилиш, жумладан, “Стрела” ЕТТ лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга қизиқиш билан қаради. Яқин кунлар ичида шу бўйича ишчи гуруҳ тузилади. Қолаверса, Инновацион ривожланиш вазирлиги таклифи асосида Улуғбек шаҳарчасидаги Фанлар академиясига қарашли муассаса билан йирик транспорт тармоқларини боғлайдиган трасса концепцияси ишлаб чиқилади. Шулар билан бир қаторда, қўшма ишлаб чиқариш ва муҳан-



дислик корхонасини очиш режалаштириляётир. У Марказий Осиё минтақасидаги янги инновацион марказга айланади. Бундан ташқари, Тошкентдаги мавжуд ишлаб чиқариш майдонларида ҳаракатланувчи таркиб ва бир қатор эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, қўшимча иш ўринлари яратиш ва Ўзбекистон транспорт машинасозлигининг илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Собир АЛИЕВ.

Қисқа

сатрларда

• Тошкентда Ўзбекистон — Малайзия бизнес форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-санъат палатаси ва мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки давлат ишбилармон доиралари, 100 га яқин етакчи корхона ва компания вакиллари қатнашди.

• Хитойлик тадбиркорлар “Навоий” эркин иқтисодий зонасида юк ташиш ҳамда кўп қаватли уйларга мўлжалланган лифт ишлаб чиқариш заводи барпо этишни режалаштирмоқда. Шу мақсадда улар 2 миллион АҚШ долларини микдорда инвестиция қиритишларини маълум қилишди.

• Жорий йилнинг 7-8 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Мамлакатнинг демократик янгилалиши ҳамда модернизациясида аёлларнинг роли: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ўзбекистон Миллий матбуоти марказида ташкил этилган тадбирда мазкур нуфузли анжуманининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари хусусида атрофлича маълумот берилди.

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикали театрида “Нихол” мукофоти танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. Унда туман ва шаҳар босқичлардан муваффақиятли ўтган 75 нафар ижодкор ўз истеъдодини намойиш этди.

“Халқ сўзи” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Лойиҳа-смета хужжатларини экспертизадан ўтказувчи ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

мазкур банкнинг Ал-Хоразмий филиали биносиди “Call-center” хоналарини ташкил қилиш мақсадида ўрнатилган тартибда лойиҳа ташкилотли ишлаб чиққан лойиҳа ва смета хужжатларини экспертизадан ўтказиб бериш

бўйича экспертиза ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.

Талабгорлар ўз тақлифларини эълон чиққан кундан бошлаб, 7 (етти) кун ичида қуйидаги манзилга, муҳрланган ва имзоланган конвертда тақдим этишлари мумкин: **Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уй. Тел: 71-120-45-72**

АЁЛ

ТАҚДИРИГА

БЕФАРҚ ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Оила — муқаддас даргоҳ. Унинг ҳар жиҳатдан тўқис бўлиши фарзандлар тарбияси, уларнинг қомил инсон бўлиб воғга етишида жуда муҳим. Шу боис мамлакатимизда оилаларни қўллаб-қувватлаш, никоҳ муносабатларини тартибга солишга алоҳида аҳамият қаратилади. Ҳўш, бугун замонавий оилада аёлларнинг ўрни, қонуний ҳуқуқлари қай даражада кафолатланган? Никоҳ муносабатларини қайд этишда уларнинг манфаатлари бирдек инобатга олинганми? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила НАРБАЕВА муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

Бизнинг интервью

— Жойлардаги ўрганишларимиз, опсингилларимиз билан ўзаро ва самимий мулоқотларимизда шу каби саволларни кўп бор ўртага ташлаганмиз. Ажралишларнинг таҳлили, сарҳисоби ҳамда сабаблари мушоҳада қилинганда, афсуски, бу борада аёлларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларидан хабардорлик даражасини қониқарли, деб баҳолаш мушкул.

Тўғри, бугун юртимиз хотин-қизлари нафақат давлат ишида, балки сиёсатда, бизнесда ҳам анчагина фаол. Бироқ оиладан, жамиятдан четда турган опсингилларимиз ҳам борки, уларни эътиборсиз қолдириш асло мумкин эмас.

Халқ билан мулоқот бугунги иш услубимизни тубдан ўзгартирди. Жойларга чиқяпмиз, кўплаб муаммолар оилаларга кириб боришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳамма нарса ҳақиқатга, ҳозирги вақтда 48 мингдан зиёд хотин-қизлар ҳаётда қийналганлар сифатида рўйхатга олинган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож. Уларни уй-жой билан таъминлаш масаласи — олдимиздаги долзарб

вазифалардан. Албатта, Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан уларни доимий уй-жой билан таъминлаш, иш билан банд қилиш орқали мунтазам даромад манбасини яратиш юзасидан муайян ишлар қилинган. Бунинг учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди иш олиб бормоқда. Аммо уйга муҳтож аёлларнинг узундан-узун рўйхати муаммонинг оқибатларини эмас, сабабларини ўрганишни тақозо этапти.

Оилалардаги ажралишлар таҳлили, никоҳи бекор қилинганидан кейин боласи билан ёлғиз қолиб кетаётган аёллар тақдирини бу масалага яна ва яна мурожаат қилишга мажбур этади. Нима учун ушбу жараёнда айнан опсингилларимиз кўпроқ жабр кўрапти? Ажралишдан кейин эркак бошқасига уйлаб, янгидан ҳаёт бошлайди. Бироқ турмушдан ажралган аёл ва унинг боласи аксар ҳолларда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолади. Унинг қўлида иши, мунтазам даромади бўлса-ку, ўзини ва боласини таъминлай олади. Лекин бирон-бир маълумотга, касбу корга эга бўлмаган аёлларимиз ҳам борки, улар тақдирига бефарқ қараб

бўлмайди. Оила ва никоҳ муносабатларида аёллар ҳам эркаклар билан баб-баравар ҳуқуққа эга бўлиши керак.

Олдин аёлларнинг оилада камситилиши, уларга нисбатан куч ишлатиш ҳолатлари ҳақида умуман очиқ гапирилмаган. “Уйдаги гапни кўчага чиқарма”, дейди оналаримиз, момоларимиз. Аёл, ўз ўрнида, уйда бўладиган ҳар қандай гапни кўчага ташиши — ёмон одат. Аммо қачонки, аёлнинг ҳуқуқлари поймол қилинса, унга нисбатан куч ишлатилса, бу эса оқибат-оқибат ажралишларга сабаб бўлса, демек, бу ҳақда ўз вақтида айтиш керак. Нотинч оилалардаги муҳитни соғломлаштириш, бола-ларини етим қилмасликда ҳар иккала томоннинг масъулияти бўлиши керак. Лекин оилада мунтазам равишда зўравонлик бўлаётган ҳолатларда жамоатчилик вакиллари томошабин бўлиб эмас, балки кескин чора кўрилиши, ажрим бўлган тақдирда, аёл ҳуқуқлари поймол қилинмаслиги, бунда айниқса, фарзандлар манфаатларини таъминлаш кўзда тутилиши даркор.

Суицидлар бўйича Ўзбекистон дунё рейтингларида жуда паст кўрсаткичи қайд этган бўлса-да,

бу мавжуд муаммога нисбатан беэътибор бўлишимиз керак, дегани эмас. Ўрганишларимиз натижаларига кўра, ёш аёллар ва қизларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам айнан оиладаги носоғлом муҳит сабабли экани аниқланди. Бу эса ишсизлик, оилада тайин даромад манбаининг йўқлиги, ота-онанинг уйдан узоқда бўлиши қабилирга бориб тақалади.

Яна ўша гап. Оиладаги моддий ва маънавий барқарорлик, аввало, ундаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашни тақозо этади. Айтиш мумкинки, бу долзарб вазифа давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари орқали ҳал қилинган. Масалани ёндашув ҳам, эътибор ва талаб ҳам ўзгарди, янада қатъийлашди. Қўмитамиз, ўз навбатида, халқроқ тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда Реабилитация марказлари — шенглерлар фаолияти лойиҳасини ишга солди.

Лойиҳа доирасида бу хилдаги марказларнинг моддий-техника таъминоти масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. У юқорида тилга олинган Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан доимий равишда мустаҳкамлаб борилади. Айни пайтда мазкур марказларда кадрлар салоҳиятини юксалтириш устида тегишли

чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Оилалар билан ишлаш, уларнинг муаммоларига янада чуқурроқ кириб бориш, оиладаги муносабатларни таҳлил қила олиш кўникмаларини ўргатиш методикаси ишлаб чиқилмоқда.

Қўмита томонидан 1146 рақамли “Ишонч телефони” шу йилнинг 5 сентябрида ишга туширилган бўлиб, бугунги кунга қадар 7 мингдан ортиқ кўнғироклар қабул қилинди. Мазкур линия оиладаги аёлга нисбатан куч ишлатиш, зўравонликларнинг олдини олиш мақсадида йўлга қўйилган бўлса-да, мурожаатларнинг асосий қисми уй-жой билан таъминлаш ёки шунга ўхшаш масалаларга тааллуқли бўлмоқда. Бу эса аёлларимизнинг ушбу ёрдам тури мавжудлиги билан боғлиқ хабардорлик даражасини ошириш борасидаги ишларимизни кучайтиришни тақозо этади.

“Ишонч телефони” кечаю кундуз ишлайди. Мурожаат қилганларнинг исми шарифи сир тутилади. Қўйин ахволга тушиб қолган аёл психолог, шифокор, ҳуқуқшунослардан малакали ёрдам олиши мумкин.

Ташкилотимизнинг бу борадаги фаолиятини самарали йўлга қўйишда Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат қўмита-

миз ишини тубдан ўзгартирди, бизга янги куч, имконият ва фаолиятимизнинг самарадорлигини оширишга замин яратди. Шу пайтга қадар маҳаллий ҳокимиятларда 2 тадан вақил билан ишлаб келаётган бўлсак, эндиликда юртимиздаги ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар қўмитасининг аъзоси иш олиб борапти. Бу мутахассис жамоатчилик асосида эмас, маош олиб ишлайди. Манзилли ёрдам кўрсатишни кучайтиради. Давлат томонидан ажратилаётган маблағлар жойларда қийналаётган оилаларга, аёлларга етиб бориши таъминланади. У маҳаллада яшайди, кимнинг нимага муҳтожлигидан ҳамиша хабардор. Аёлларга ёрдам кўрсатишда тўрттала сектор фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Қўмитамиз томонидан бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ҳам қатор тақлифлар ишлаб чиқилди. Яъни оила ва никоҳ муносабатларида аёлларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш масаласида бир неча амалий ташаббуслар илгари суриляпти. Юртимизда никоҳ ёшнинг қизлар учун 18 ёш этиб белгиланш, алимент тўлашдан бош торгган инсонлар учун жазо нормаларини янада кучайтириш, учинчи томоннинг (қайнота, қайнона, оиланинг бошқа аъзолари) оилавий масалаларга ноўрин аралашувини чекловчи нормаларни жорий қилиш, аёлнинг ажралиш жараёнидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамловчи нормаларни татбиқ этиш қабилир шулар жумласидандир. Бу билан биз оиланинг масъулиятини кучайтиришга эришамиз.

Биз илгари сураётган тақлифлар бугунги кунда жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Ҳар қандай ҳолатда, аввало, аёлнинг, онанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг ҳимоясиз кўчада қолишга йўл қўймаслик юзасидан бир неча самарали тақлифлар ўртага ташланмоқда. Чунки аёл бахти, бу — бир тулун миллат ва халқ бахтининг тўқислиги шартидир.

Мунисхон ҚАРИМОВА
ёзиб олди.

ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ

Уни ривожлантиришда энг илғор тажрибалардан фойдаланилади.

Ўзбекистон доимо хорижликлар эътиборини ўзига тортиб келган. Ҳар йили юртимизга дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюраётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Улар халқимиз тарихи, маданияти ва анъаналарини, меъморий обидаларини миллий менталитетимизнинг ўзига хос хусусиятларини катта қизиқиш билан кузатишаётир. Туристлар оқимининг кенгайишидан эса давлатимиз ҳам манфаатдор, албатта.



Мамлакатимизда гастронимик туризм улкан салоҳиятга эга. Ҳамюртларимизнинг бу борадаги тадбиркорлик ташаббуслари ҳам бозор сегментларида яхши танилган. Умуман, туризм соҳасига эътибор кун сайин қучайиб бораётган экан, мазкур йўналиш ҳам жаҳон тенденцияларидан ортда қолиб кетмаслиги жуда муҳим.

Ҳўш, бунинг учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Аввало, соҳа ривожидан алоҳида ўрин тутадиган солиқ имтиёзлари ва бу борадаги ислохотлар, мавжуд муаммоларни ҳуқуқий тўхталиб ўтсак. Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган солиқ сиёсати доирасида кенг жамоатчилик томонидан солиқ юкини оптимallasштиришга қаратилган инновациялар фаол муҳокама қилинаётир. Чунки, ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган корхоналарни умумий белгиланган солиқларга ўтказиш, жумладан, қўшимча қиймат солигини 20 фоиз тўлаш белгиланган. Умумий оқватланиш тизимидаги ташкилотлар эса айни пайтда жами айланмасининг 10 фоизини ташкил этувчи ягона солиқ тўловини тўламоқдалар.

Ўзбекистон рестораторлар ва отельерлар уюшмаси раиси Тимур Мусин мазкур ҳолатга қуйидагича муносабат билдирди:

— Умумий оқватланиш корхоналари ишлаб чиқариш харажатларининг 80 — 90 фоизи қишлоқ ҳўжалиги ва гўшт маҳсулотларидан иборат, —

дейди у. — Масалан, агар картошка, сабзи, қарам ва гўшт маҳсулотлари қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)дан озод этилганини инобатга олсак, улардан тайёрланган таомлар 20 фоиз ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда сотилиши керак. Шу тариқа ҚҚС умумий оқватланиш корхонаси учун ялли тушум 18,6 фоизга ва даромад солиғи

солиқ ислохотлари озиқ-овқат сектори ривожига қандай имкониятларни очиб беради?

Пойтахтимизда Ўзбекистон рестораторлар ва отельерлар уюшмаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида “Ички туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда ўзбек гастронимиясининг ўзига хос

ўринли. Уларнинг фикрича, ўтган асрнинг 70-йиллари бошидан ҚҚС тахминан 40 та давлатда қўлланилган. Унинг ўртача даражаси 15 фоиздан 25 фоизгача этиб белгиланган. Бироқ маҳсулотнинг турига ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига қараб, ҚҚС миқдори 2 фоиздан 10 фоизгача, жумладан, туристик озиқ-овқат ва бошқа бир қатор товарлар учун ҳам худди шундай тартиб белгиланган.

— Бугунги кунда қўллаб-ривожланган хориж давлатларида қўшимча қиймат солиғининг соддалаштирилган тартиби қўлланилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими Айдоос Қошанов. —

Солиқ ҳисоботларини тўлдириш, жумладан, ҚҚС бўйича ҳисоботларни шакллантиришда юзага келадиغان айрим муаммоларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда Буюк Британия тажрибасини жорий этишни режалаштиряпмиз.

Таъкидлаш керакки, умумий оқватланиш корхоналарини солиққа тортиш тизимини замонавий жаҳон стандартларига мослаштириш борасида янги тартиб жорий қилинди. Ҳозирги

пайтда умумий оқватланиш корхоналари ялли тушумидан 10 фоиз тўлаб келаётган бўлса, 2019 йилдан эътиборан бу кўрсаткич 8 фоизга туширилади. Бу соҳа тараққиёти учун янги имкониятлар эшигини очиб беради.

ўрни” мавзусида ўтказилган учрашувда ана шундай саволлар ўртага ташланди.

Мамлакатимизнинг замонавий озиқ-овқат соҳаси ҳақида гапирганда, аввало, мутахассисларнинг халқроқ амалиёт борасидаги сўзларига қулоқ тутиш

ва

Умуман айтганда, миллий услубдаги кафе, ресторан ва ошхоналар юртимизнинг замонавий қиёфасини бойитиб, кўрқига кўрк қўшади. Зеро, улар нафақат чирой билан, балки мамлакатимизнинг сайёҳлик инфратузилмасидаги ўзига хос кўриниши ва халқроқ имиджини ҳам белгилла беради. Демак, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларга янада жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

дил сўзи

Байрамларда, дам олиш кунларида фарзанду набираларимиз билан бирга юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳат қилиш, табарруқ қадамжоларни зиёрат этиш оиламиз анъанасига айланган.



ЭЗГУ ИШЛАРДАН БЕҲАД МАМНУНМИЗ

Сафарлар давомида шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, одамларнинг қайфиятидаги кўтаринкиликни ҳис қилиб, фахр-ифтихорга тўлаимиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тараққиётининг янги даври, янги босқичи бошланди. Халққа муносабат ўзгармоқда. Инсон шайни, қадри юксалмоқда. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг оддий одамлар дарду ташвиши билан яшайи, эл-юрта хизмат қилишни асосий мақсад-муддаоси деб билиши замон талабига айланмоқда. Муҳими, барча янгилашлар юрдошларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топапти.

Мамлакатимизда барча соҳада кечаятган ўзгаришлар Тошкент вилояти ҳаётида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Худудда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, истиқболли инвестициявий лойиҳалар амалга ошириляпти.

Президентимизнинг топириқлари асосида вилоятда туризмин янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилямоқда. Жумладан, Зангиота зиратгоҳи тубдан таъмирланиб, бу ерда сайёҳлар, зияратчилар учун зарур шароитлар муҳайё қилинди. Бир вақтлар бу муқаддас жойлар эътибордан анча четда қолиб кетгани, фақат истиқлол туфайлигина қайта чирой очиб, кўркам

қиёфа касб этганини биз, кексалар ёшларга доим таъкидлаймиз. Бу ерга ҳар сафар келганимизда зияратгоҳнинг ўтмишдаги қиёфаси билан бугунги ҳаётини кўриб, жуда мамнун бўламиз. Шукрона келтирамиз. Зеро, буларнинг барчаси юртимиз янада тараққиёт этиб, ҳаётимиз фаровонлашиб бораётганини ифодасидир. Дуоларимизда ҳаммиша шундай эзгу ишлар бардавом бўлишини сўраймиз. Илоҳим, юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

Аминжон ҚОДИРОВ,
меҳнат фаҳрийси.
Зангиота тумани

ЭЪЛОН

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

Хоразм вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде
ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan, LTD» МЧЖнинг 2017 йил 8 февралдаги 17-сонли буйруғига ва «Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan, LTD» МЧЖ Urganch филиалининг 2018 йил 26 октябрдаги 122-сонли буюртманомасига асосан, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 117-уйда жойлашган, 3-қаватли бино ва иншоотлар, маиший техника ҳамда мебеллар, мулкый мажмуа қўйилмоқда.

• Бошланғич баҳоси — 1 978 787 000 сўм.

Бино-иншоотлар ва барча мол-мулклар жамламаси ҳамда уларга тегишли ҳужжатлар билан «Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan, LTD» МЧЖ Urganch филиалининг масъул ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

«Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan, LTD» МЧЖ Urganch филиалининг манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 117-уй.

Аукцион савдоси 2018 йил 10 декабрь кунин соат 11.00 да «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиали аукцион залида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 10 декабрь кунин сотилмай қолган тақдирда, тақоррий аукцион савдолари жорий йилнинг 14, 21 декабрь ва 2019 йилнинг 10, 17 январь кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабномалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдолари якунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Савдо натижасига кўра олди-сотди шартномасини тузиш ва у бўйича тўловларни амалга ошириш муддати «Coca-Cola Ichimligi Uzbekistan, LTD» МЧЖ Urganch филиали томонидан белгиланади.

Талабгорлар бино-иншоотлар ва барча мол-мулк жамламаси бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиалининг «Ипотека-банк» АТИБ «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609036, МФО: 00580, ИНН: 207122519.

Хизматлар лицензияланган.

Манзил: Урганч шаҳри, Йўлдош Бобожанов кўчаси, 23-уй, 1-қават, 2-хона.

Тел./факс: 0-362-228-10-86. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 71 122 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.

Навбатчи — М. Каримова.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.